

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Утган даврда Сенат мамлакат Конституцияси ва Қонуни билан ўзининг мутлақ ихтиёрига берилган ваколатларни ҳам, парламент иккала палатасининг ихтиёрига биригилган ваколатларни ҳам тўла-тўқис амалга оширди. Чунки, унинг қўмиталари мажлисларида Бош прокурор, Марказий банк бошқаруви раиси, ҳисоб палатаси, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботлари қўриб чиқилди ва Сенатнинг ялпи мажлисида муҳокама қилиш учун тайёрланди.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси арафасида унинг қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ва олтинчи ялпи мажлислари оралигидаги даврда олиб борилган иш якуни қўриб чиқилди. Сенат Кенгаши, қўмиталарнинг ушбу масалаларга бағишланган мажлисларида Сенат бу даврда қонунчилик, назорат фаолиятини амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг муносабатларини қўриб чиқиш соҳасида сезиларли ишлари амалга оширилганлиги қайд этилди. Қонунларни қўриб чиқиш ва қабул қилиш, биргаликда мажлислар, тадбирлар ўтказиш масалалари юзасидан Олий Мажлис Сенати билан Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари ўртасидаги ўзаро алоқалар яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 24 февралда ўтказилган бешинчи ялпи мажлисидаги "Мамлакатимиз та-

раққийатининг Қонуний асосларини мустаҳкамлаш — фаолиятимиз мезони бўлиши даркор" маърузаларининг асосий қоидаларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳаракат Дастури ишлаб чиқилди ва илҳомли билан амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сенаторларнинг сайловчилар билан учрашувлари мунтазам ўтказиб турилди. Бу учрашувларда сенаторлар халқ депутатлари Кенгашларининг, ишлаб чиқариш жамоалари, ўқитувчилар, ўқувчи ешлар, маданият арбоблари, тадбиркорлар фаолияти билан танишдилар, ички ва ташқи сиёсат, шунингдек мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юзасидан маърузалар қилдилар ҳамда суҳбатлар ўтказдилар.

Сенаторларнинг жойларда турли аҳоли қатламлари билан учрашувлари ўтказилган вақтда ешларни ишга жойлаштириш, янги иш уринлари яратиш, ешларнинг дам олишини ташкил этиш, аҳолининг электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш ва бошқа масалалар юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Бу таклиф ва тавсиялар кейинчалик жойлардаги давлат ҳокимияти органлари иштирокида хал қилинди.

2006 йилнинг биринчи чоратида Сенат аъзолари томонидан 1013 та учрашув ўтказилди, сенаторлар 2284 нафар фуқарони қабул қилдилар. Фуқаролар ўз шикоят ва аризаларида кўтарган масалаларни хал қилиш учун сенаторлар томонидан 280 та турли ташкилот, муассаса ва корхона сўровлар тайёрлаб жўнатилди.

Сенаторлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг долзарб масалалари юзасидан радио ва телевидениеда 284 марта чиқдилар. Улар республика ҳамда вилоят газеталарида 147 та

мақола эълон қилдилар. Ҳисобот даврида Сенат, сенаторларнинг асосий куч-ғайрати минтақаларни ривожлантириш масалаларини хал қилишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг жойларда ташкил этилган мажлисларида айрим минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш Сенатнинг иш фаолиятига жорий этилди. Бу даврда қўмиталарнинг жами 5 та сайёр мажлиси ўтказилди.

Назорат соҳасидаги фаолият режасига мувофиқ Сенат қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари, қонвенциялар ва миллий дастурлар қонсини назорат қилиш буйича олти масала қўриб чиқилди. Бу ишнинг якуни оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилди, аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсияларнинг бажарилиши назорат остига олинди.

Қонунчилик, назорат ва бошқа фаолият йўналишларини такомиллаштириш мақсадида Сенат қўмиталари томонидан туркум илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу тадбирлар иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд ислохотини такомиллаштириш, бутун одил судлов тизимини демократлаштириш масалаларига, ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларга ва бошқа масалаларга бағишланди.

Тўртта илмий-амалий конференция, тўртта семинар, тўққизта давра суҳбати ташкил этилиб, шуларнинг тўрттаси жойларга бориб, у ерда ишлаётган сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари иштирокида ўтказилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оксколлар) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида

белгиланган ваколат муддати 2006 йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Сенат Кенгашининг қарори қабул қилиниб, 2006 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оксколлар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши эълон қилинди.

Сенат томонидан махсус тузилган комиссия аъзолари, сенаторлар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан биргаликда ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама парламентараро алоқаларни ривожлантириш давом этмоқда. Утган даврда Сенатга Россия Федерал Мажлиси Кенгаши делегацияси, Малайзия парламенти ва бошқа мамлакатларнинг делегациялари таширф буюрди.

Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар, ҳужжатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисида қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Кўркемлашаётган Насарф

Шуҳрат ТУРСУНОВ, Қарши шаҳар ҳокими

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дарҳақиқат, бугун қўнға обиди ва қадимжоларга бой Қарши шаҳри ўзининг кўпгина 2700 йиллик тўйи тадоригини кўрмоқда. Айна пайтда май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оксколлар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши эълон қилинди.

Сенат томонидан махсус тузилган комиссия аъзолари, сенаторлар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан биргаликда ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама парламентараро алоқаларни ривожлантириш давом этмоқда. Утган даврда Сенатга Россия Федерал Мажлиси Кенгаши делегацияси, Малайзия парламенти ва бошқа мамлакатларнинг делегациялари таширф буюрди.

Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар, ҳужжатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисида қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисида қўриб чиқилди.

лаётган барча иншоотлар ўзидан замонавий ҳамда миллий мейморилик аъёналарини уйғунлаштиришмоқда. Масалан, Мустиқиллик майдонига ўзгартирилган бунга яққол мисол бўла олади.

Темир йўл шохбёкати ва тайёрагоҳ шаҳримизнинг бош дарвозалари ҳисобланади. Шу сабабли бу объектлар ҳам тубдан реконструкция қилиниб, атрофи ободонлаштириляпти. Бундан ташқари, шаҳардаги Ўзбекистон, Насарф, Амир Темур кўчалари кенгайтирилмоқда. Бу ердаги эски иморатлар бузилиб, ўрнига кўп қаватчел эл маблаглари қиртилди. Ҳозиргача 72 оилага мўлжалланган уй-жой 2 та қирилди, Навоий номидаги марказий дам олиш боғи, болалар истироҳат боғи, Олимпия заҳиралари спорт коллежи фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, шаҳардаги тарихий обидалар — «Кўк гўмба» жомеъ масжиди, «Одина» масжиди ва «Сардоба» мажмуаси қайтадан таъмирланди, Марказий деҳқон бозорига 160 миллион сўмлик, 3000 ўринли амфитеатр биноси қурилишда эса 1880 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Шу кеча-кўнғузда шаҳримизнинг Ўзбекистон кўчасида 2 та уй-жой биноси қурилиши, қарий 10 га яқин мактабларда мукамал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шаҳар кўригига кўрк бўлиб қўшилган 15000 ўринли стадионда ҳозир 800 нафарга яқин қурувчи муддатидан аввал фойдаланишга топшириш учун зўр гайрат-шажоат билан меҳнат қилаяпти. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, барпо эти-

2006 йилни президентимиз томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб аталган ҳам кўпчиликнинг дидалида гап бўлди. Ердамга муҳтожларга беминнат кўмак бериш халқимизнинг азалий олижаноб фазилатларидандир. Қолаверса, халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш порлоқ истиқболни белгилайди. Шуни ҳисобга олиб, шаҳар ҳокимлиги ижтимоий Ҳомийлар муҳтож барча аҳолига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиб келяпти. Шу кунгача маҳалла фуқаролар йиғинларида уруш ва меҳнат фахрийлари учун 46 миллион 500 миң сўмлик байрам тадбирлари уюштирилди. 33 нафар тушқада етган фахрийлар ҳолидан хабар олинди. 116 нафар уруш фахрийга соғва-саломлар улашылди. Кам таъминланган оилаларнинг 45 нафар фарзандига 372894 миң сўмлик моддий ёрдам қўрсатилди. 5 нафар ногиронга аравага олиб берилди. 34 нафарининг ногирон турли сийахтоҳларда бепул даволаниш таъминланди. Ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан азоб чекадиган беморларга дори-дармон учун 5480,0 миң сўмлик ёрдам қўрсатилди.

Шаҳар ҳокимлиги бундан бунён ҳам «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг бажарилиши, бу борадаги хайрият тадбирларининг кенг қўламда амалга оширилишини ҳамда аҳолининг ижтимоий манфаатдорлиги таъминлигини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашни янада самарали ва тез фурсатда амалга ошириш мумкин.

Тақдимот

www.imal.uz —

Мониторинг кўзгуси

С.ЖАВБОРОВА, «Адолат» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг интернетдаги веб саҳифаси очилди. Веб саҳифаси ишга туширишдан асосий мақсад — мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёни, бунда маъмур институтининг иштироки ҳақида кенг оммага маълумот беришдан иборатдир.

Веб саҳифа беш бўлимдан иборат. Уларда институт томонидан ўтказилган турли илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, шунингдек, институтнинг давлат органлари, ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлиги тўғрисида маълумот олиш мумкин. Қолаверса, институт ходимлари томонидан чоп этилган рисола ва мақолалар, тўпламлар муҳасамалашган.

Таъкидлаш жоизки, институт веб саҳифасининг ишга туширилиши натижасида институт ҳоризондаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан амалий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашни янада самарали ва тез фурсатда амалга ошириш мумкин.



Истиқлол иншоотлари

Таҳририятга хат келди

Биргина мана шу низо ҳўжалик судларида саккиз марта муҳокама этилди

Мулк эгасини топадимми?

Бозор ПИРИМОВ, Тадбиркор, Шўрчи тумани

Тадбиркорлик қиламан деб хусусий фирма ташкил этганимда режаларим бир олам эди. Кейинчалик фаолиятимни ривожлантириш мақсадида туманимизнинг Т. Бердиев номи ширкат ҳўжалик ҳудудида қурилиши охирига етмаган иморатни 2002 йил 29 мартда ким ошди савдоси орқали 17 миллион 500 миң сўмга сотиб олдим. Шу кунгича шартномадаги умумий нархининг 30 фоизидан зиёди, яъни 6 миллион 800 миң сўм пул тўладим.

2002 йилнинг сентябрь ойида иншоотнинг қолган пулини тўлаш учун Давлат мулки қўмитасининг Сурхондарё вилоят бошқармасига борганимда у ердагилар турли вахталари баҳона қилиб, пулнини қабул қилмай, ишни пайсалга солишди. Сабабини тушунмадим. Иншоотнинг қолган қийматини тўламоқчи бўлиб, Давлат мулки қўмитасининг вилоят бошқармасига икки йил катнадим. Бир сафар борганимда бошқарма мутасаддиларининг янгилиги хайратимни оширди: бошқарма мен сотиб олган иншоотни бошқа бир корхонага сотиш ҳақида буйруқ тайёрлабди. Гўеки, мен «сотиб олган мулкимнинг тўлиқ қийматини тўлаб олмаганим сабабли иншоотни бошқа кишига сотаверинглар, розиман» деган маъруза бошқармага хат юборган эмимман. Қизиги шундаки, аслида ёзилмаган, ўзи йўқ бу хат ҳатто тўрт-беш суд мажлисларида ҳам тилга олинди. Ваҳоланки, бундай хат умуман ёзилмаган.

Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг ўша вақтдаги раҳбари эса 2004 йил 3 сентябрда «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида»ги қонунда белгиланган ким ошди савдосига иншоот баҳосининг ўттиз фоизини тўлаган шахс ўша пайтдан эътиборан мулкнинг қонуний эгаси ҳисобланади, деган талабга эътибор бермай, иншоотни ким ошди савдосига қўймасдан тўғридан-тўғри сотиш ҳақидаги буйруққа имзо чеккан. Устига-устак ушбу буйруққа асос қилиб олинган тегишли ҳўжатларнинг барчаси сохта. Мана эътибор

қилинг: «Тер МАЛ» қўшма корхонасининг чала иншоотини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишчи комиссиясининг баённомасига комиссия таркибига номлари қиритилган аъзоларидан уч нафари имзо чекмаган, мавжуд имзоларнинг айримлари сохташтилган. Иншоотни сотиб олаётган ташкилот томонидан тақдим этилган бюртманинг қайд этиш рақами ва санаси кўрсатилмаган. Масъул шахсининг имзоси эса муҳр билан тасдиқланмаган. Ваҳоланки, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳўқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида «Ҳўжалик шартномаларини ўларни имзолашга тайёрлаш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳўжатларида мувофиқлиги юзасидан текшириб қўрилиши керак. Шартномаларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди» деб белгиланган.

Хуллас, бу «уйинлар» фож бўлиб қолган, Давлат мулки қўмитаси томонидан сохта буйруқ ва баённомалар бекор қилиниб, айбдорларга тегишли чора қўрилди. Бироқ...

Бошқарма раҳбарларининг хатти-ҳаракатларидан чўш тушган иккинчи ташкилот ҳам иншоотга эгаллик ҳўқуқини тиклаш, қисқаси, иншоотни ўзига олиб беришни сўраб, бошқарма устидан вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Судья Т. Алимардонов раислигида бўлиб ўтган вилоят ҳўжалик судининг суд мажлисида бу даъво қисман қаноатлантирилди ҳам. Ҳўжалик суди мазкур иншоотни ташкилотга сотиш ҳақидаги мавжуд уч томонлама ҳамда инвестиция шартномалари қалбаки эканлиги боис уни ҳақиқий эгаси деб топиб, бекор қилишни сўраб ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Судья Т. Ашуров раислигида 2005 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган вилоят ҳўжалик суди мажлисида даввогар — бошқарманинг даъвоси қаноатлантирилди. Суд иншоотни сотиш ҳақида тузилган уч томонлама ҳамда инвестиция мажбурий қилиш буйича шартномаларини ҳақиқий эгаси деб топиб, мулкни сотиб олиш учун тўланган маблагни жавобгарга

тўлиқ қайтариб бериш ҳақида хал қилув қарорини чиқарди. Лекин Республика Прокуратурасининг протестига асосан ушбу низога назорат тартибидега қўриб чиққан Олий ҳўжалик суди раёсати бизнинг манфаатларимизни умуман инобатга олмади. Ажаблантирадиган ҳақиқати, иш назорат тартибидега қўрилаётган вақтда протестга қарши ёзган эътирозларимиз негадир судья томонидан ишга қўйилмади?...

Энг қизиги, қассияда инстанциясининг судлов ҳайъати раиси А.Нарзуллаев ҳам ушбу ишни чуқур ўрганганимиз кўринди. Йўқса, бизнинг ишончли вақилимизга пулларнинг қачон изига қайтариб юборилганлиги, деган саволни бермас эди. Ваҳоланки, мен 17500000 сўмни тўлаб, алдақачон давлат ордерини олганман. Шундан кейин менинг ҳисоб-рақамимга ҳеч қандай пул қайтиб келмаган.

Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси собиқ раҳбарининг мантисқиз буйруғи билан тақдир бўлган муаммо мана ун йилдирки, ачқик инчадек қўзилиб келяпти. Айниқса, ҳўжалик судларининг турли босқичларида, суд мажлисларида гох даввогар, гох жавобгар бўлиб, Термиз қарши, Шўрчию Тошкент йўллари қатъий вериб, тинкамиз қуриди. Биргина мана шу низо ҳўжалик судларининг турли босқичларидаги мажлисларида саккиз марта муҳокама этилди. Мен ҳануз айбим нимадаллигини билмай ҳайронман. Ахир, икки йилдан зиёд вақт муносиб харидори чиқмаган ва қурилиши охирига етмаган мулкни ким ошди савдоси орқали сотиб олиб, мулк эгасига айланган эдим. Қисқа вақт ичида 20-30 миллион сўм сарфлаб, биноларни таъмирладим. Биргина ободонлаштириш иши учун 2,5 миң дونا турли хил дархат қўчатлари келтириб эдим. Ниятман, бу ерда корхона барпо этиб, ўсимлик, пахта ёғи ва мевалар шарбатидан салқин ичимликлар ишлаб чиқариш эди. Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасининг филиалини ҳам очган эдим. Шу лойиҳа асосида 200 нафар киши учун иш уринлари яратиларди. Афсуски, бугун эзгу ниятларим сароб бўлиб турибди...

Нўқтани назар

Натижада йилга бир неча ўн миллион сўмлаб бюджет маблағлари тежаллади

Маҳаллий бюджет даромадлари

Собир ТУРДИЕВ, Жиззах вилояти Молия бошқармаси бошлиғи

Мустақиллик йилларида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида маҳаллий бюджет ва даромадларни шакллантиришга оид қатор ҳўқуқий-меъерий ҳўжатларни ишлаб чиқишга бўлган эътибор кўчайтирилди.

Маҳаллий бюджетлар мавқеини ошириш бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омили саналади. Мухтарам Юрбошимиз таъкидлаганларидек: «Давлат бюджети даромадларининг катта қисmini хўйларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги маъсулиятини ошириш имконини беради». Келинг, шу уринда, маҳаллий бюджетларнинг бошқа даромадлари (дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бошқа маблағларни) Жиззах вилояти маҳаллий бюджети мисолида кўрайлик тан олиш керак, вилоятда фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчиларнинг бюджетга тўловлари ҳозирда маҳаллий бюджет харажатларини тўлашга қоплаш имконини бераётган Республика бюджетдан олинаётган маблағ харажатларининг деярли 62-63 фоизини қопламоқда (Бу мамлакатда энг юқори кўрсаткич).

Тўғри, бу рақамни буткул йўқ қилиб бўлмайдми, лекин юқори бюджетдан олинаётган дотациялар миқдорини камайтириш имкониятини мавжудлигини инкор этиб бўлмайдми.

Маҳаллий бюджетларда солиқларнинг ўрнини босувчи манбаларнинг кидириб топилиши катта аҳамиятга эга. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари ўз ички имкониятларидан оқилона фойдаланиши, хусусан, бокиманда қарзларни индириш чораларини қўришлари мақсадда мувофиқдир. Мана, эътибор бериш: вилоятда бюджет даромадлари 2005 йилда 32,3 миллиард сўмни ташкил этиб, 2003 йил тушумига нисбатан 48,8 фоизга ошган. Табиийки, бюджет харажатлари ҳам ўсишда бўлган. Бу, биринчи навбатда, иш ҳақи ва унга ажратмаларнинг илҳамини ошириши, нарх-навонинг (коммунал тўловлар, озик-овқат махсулот-

лари, дори-дармонлар) ўсиши ҳисобига тўғри келган. Утган йили эса бюджет харажатлари 74,2 миллиард сўм (2003 йил кўрсаткичига нисбатан 38,4 фоиз)ни етган. Шу давр ичида вилоятда солиқ ва бошқа тушумларнинг ўсиш кўрсаткичи бюджет харажатларининг ўсиш кўрсаткичидан озроқ бўлса-да, ҳар ҳолда юқори бўлиши таъминланган. Демак, келиб чиқаяптики, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида маҳаллий бюджетлар аҳамияти таҳлили ҳамда бюджет ислохотлари йўналишларини ишлаб чиқишда янги концептуал ёндашувлар керак. Яъники, маҳаллий бюджетлар бошқарувида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари хали кўп ўрганилиши лозимга ўхшайди.

Маълумки, маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзларига тегишли худудларда тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида олинадиган даромадлар тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилади. Маҳаллий бюджет даромадларини оширишнинг энг асосий йўли эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш ва солиқ тўловчилар сонини кўпайтиришдир. Бунинг учун маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджетларро муносабатларни ислоҳ қилиш, солиқ тушумларини ошириш талаб этилади. Қолаверса, маҳаллий бюджетлар тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда маҳаллий ҳокимият органлари ўз худудларида тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантиришлари, маҳаллий хошмез ҳисобига ишловчи янги қўшма корхоналар қуришлари, шу йўл орқали солиқ манбаларини кўпайтириб боришлари эндиликда замон талаби бўлиб қолди. Маҳаллий бюджетларни қўшимча маблағ билан таъминлаш воситаси сифатида дотация ва субвенциялар ажратилиши эса мукамал тизим ҳисобланмайди. Чунки бу маблағлар рағбатлантириш хусусиятига эга эмас. Улар ҳўжалик ташаббускорлигини ошириш урнига бюджетнинг даромад қисми имкониятини камайтиради ва молиявий нозоратни суяйтиради.

Республикаимизда худудларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун маҳаллий ҳокимият органларини иқтисодий-ҳўқуқий база билан таъминлайдиган етарли ҳўқуқий шартон яратилган. Бу, авваломбор, маҳаллий бошқарув органларига

давлат мулкни бошқариш ҳўқуқини берувчи «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонундир. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор ҳўқуқий-меъерий ҳўжатлар ҳам мавжуд. Улар орасида Вазирлар Маҳкамаси «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1999 йил, 3 сентябр) қарорини ва шу қарор асосида ишлаб чиқилган йўриқнома ҳамда қондалар алоҳида ўрин тутади. Бу меъерий ҳўжатлар маҳаллий бюджетлар даромадлари имкониятини кенгайтириб, маблағларнинг бюджетдан ташқари манбаларини излаб топиш ва фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамгармаларини ташкил этиш орқали уларнинг бинолари ва асосий воситаларини инвентаризациядан ўтказиш лозим. Шу йўл билан даромад олинини мумкин бўлган манбаларнинг аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, пировардида, ижросини таъминлаш учун ҳам тавсиялар бериб бериш имконияти мустаҳкам бўлиб берилади. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамгармалари ҳисобидеги маблағларнинг ортиши, айниқса, улар томонидан вақтинча фойдаланилмай турган бинолар ва бошқа мол-мулкларни ташкилотларга ижара беришдан олинаётган даромадларнинг кўпайиши (агар олинган даромадларнинг 50 фоизи ўз ихтиёрига қилиши ва қолган 50 фоизининг маҳаллий бюджетлар ҳисобига ўтказилишини ҳисобга олсак)

Мустақилликнинг 15 йиллиги олдида

Ислохот — ислохот учун эмас, инсон учун

Ислохотлар самараси

қонун устуворлиги билан белгиланган

Абдулатиф ИСАРОВ,

Анвар РҶЗИЕВ,

Умид ЭҒАШЕВА,

Алдия вазирилик масъул ходимлари

Муқтақиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Конституция қабул қилиниши билан ҳуқуқий давлатимиз белгилари қону- нан муқтақилланди, давлат ва жаҳмиёт ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий тартибга солинди. Ўзбекистонда барча — мамлакат фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган, шунингдек, юридик, мансабдор шахслар ва давлат ҳоқимияти идоралари қонунга бўйсунди. Конституция- мизнинг 15-моддасида белгилаб қўйилганидаки: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Респуб- ликсининг Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади».

Шунингдек, дастлабки йилларда мамлаката- миз олдида марказий бошқарув органлари қатори маҳаллий ҳоқимият органларини ҳам ислох қилиш вазифаси турарди. Жаҳон амалиётидаги тажрибаларга ҳамда ўзбек давлатчилигининг бой анъаналарига таянган ҳолда Ўзбекистонда дав- лат бошқаруви тизимини шакллантиришга алоҳи- да эътибор қаратилди. Маҳаллий ҳоқимият, жумладан, маҳаллий бошқарув органлари вако- латларининг кенгайтиши ҳоқимлар зиммасига қат- та масъулият юклатди.

Чунки кучли ислохотларни масъулиятли ижро ҳоқимиятисиз амалга ошириб бўлмади. Давлатнинг бош ислохотчилиги роли ушунда ҳаётини зарурат бўлиб, эски мустабид тузумдан янги жаҳмиётга ўтиш учун фақат кучли ижро ҳоқимияти зарур эди. Шунга қўра, ҳоқимиятлар қошида ижроия аппаратлари тузилди. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орган- лари туғрисида» ги қонунга қўра, шаҳар, ша- ҳарча, қишлоқ ва овуларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла кўмиталари ташкил этилди.

Ислохотларнинг кейинги босқичида қўла қиртилган ютуқлар танлаган йўлнинг туғрили- ги ни исботлади. Давлатимиз раҳбари ислохотлар бошидаёқ одамларнинг моддий аҳолининг ёмонлаштириладиган, аҳоли қадриятлар, маъна- вий таянчлар барбод этилган ва барча қийин- чиликлар аҳоли елкасига тушадиган андозадаги бозор иқтисодиётига ўтиш («шоқ терғариси» каби) бизга туғри келмаслигини алоҳида таъкидлаган- ди. Натияжада давлатимиз бошчилигида амалга оширилган ислохотлар моддий, молиявий, меҳ-

нат ва бошқа табиий иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлади. Мамла- катимиз тарихан қиска муддат ичида, айниқса, энергетика ва озиқ-овқат муқтақиллигига эри- шиб, автомобил ҳамда нефт маҳсулотлари эк- спортичисига айланди. Тараққиётнинг ўзбек моделига асос солинди.

Бугунги кунда давом этирилаётган иқти- содий ислохотларнинг етакчи жиҳати кичик ва урта бизнесни ривожлантириш, мамлакат иқтисодий ҳаётида унинг салмоғини ошириш- га қаратилган. Эро, ҳозир мамлакат ички ялпи маҳсулотнинг ўттиз фоиздан ортқ қисми кичик ва хусусий бизнес ҳисобига туғри келади. Бир неча йил ичидаги бу кўрсаткич 12,5 фоиздан 35 фоизга ортди ва бу соҳада биз ривожланган мамлакатлар даражасига то- бора яқинлашиб бораёпмиз.

Кичик ва хусусий бизнеснинг ривожла- ниб бораётгани кўпгина иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммолар ечимини топишга им- кон бермоқда. Буни қабул қилинаётган нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Масалан, Президентимизнинг бир- гина 2005 йил давомидаги «Бозор ислохот- ларини чуқурлаштириш ва иқтисодийнинг яна да эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўна- лишлар амалга оширилишини янада эркин- лаштиришни жадаллаштириш чора-тадбир- лари туғрисида» ги, «Микрофирмалар ва кич- кик корхоналарни ривожлантиришни рағбат- лантириш туғрисида» ги Фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақ- дим этиладиган ҳисобот тизимини такомил- лаштириш ва уни ноқонуний талаб этганили учун жавобгарлиқни қучайтириш туғриси- да» ги қарори шулар жумласидандир. Маз- кур ҳужжатлар эндиликда, Юрбошимиз таъ- бири билан айтганда, ислохот — ислохот учун эмас, инсон учун, мамлакат аҳолиси- нинг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтарishi учун хизмат қилаётганини тула-тўқис намоён этаётди. Шу боисдан ҳам, тарихан қиска давр ичида Ўзбекистон халқаро муно- сабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида бир неча ўн йилларга арзигулик иш- лар амалга оширилди. Узининг тинчликсевар, яхши қўшнчилиги, фойдали ҳамкорликка йўналтирилган сиёсати билан мамлакатимиз дунёга танилди, жаҳон ҳамжаҳмиётда муно- сиб ўрин эгаллади.

Таълим

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалага айланган

Истеъдоднинг ойдин йўллари

Салим САЙИМОВ,

Қарши санъат коллежи директори

Бугунги кунда Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим-тарбия тизимини такомиллаштириб, ҳар жи- ҳатдан баркамол авлодни воёга ет- қазиди дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, ёшларнинг янги турдаги таълим муассасаларида ма- лакали педагоглардан сабоқ олаёт- ганлиги, ишлаб чиқариш амалиётда фаол иштирок этаётганлиги уларнинг етуқ мутахассислар бўлиб етилиши- ни таъминлайди.

Коллежимиз воҳанинг санъат йўналишидаги тўнғич илм масканла- ридан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бу ерда ўз соҳасининг ҳақуқий билимдонни бўлган ўнлаб педагог ходимлар ёшларга турли санъат тур- лари бўйича сабоқ бериб келмоқда. Айниқса, ўқувчиларимизнинг маалакасини оширишга қатта эъти- бор қаратганмиз. Масалан, яқинда Сивема Абляимова (фортепиано бўйича), Зебо Турсунова (хореогра- фия бўйича), Дилшод Мадиев (халқ чоғу асбоблари бўйича) каби ўқув- чиларимиз Москва шаҳрида таъриба алмашиб қайтиди.

Ўқувчиларнинг ижтимоий муво- фазасига алоҳида эътибор бераймиз. Баркамол авлодни воёга ет- қазиди жамоада ўрнак бўлаётган пе- дагоглар доимий равишда рағбат- лантириб боришмоқда. Ўқувчи ва талабаларнинг ижодкорлик фаолиятини ошириш мақсадида эса «Йил ўқувчиси», «Намунали кафедра», «Энг яхши гуруҳ», «Энг намунали талаба», «Энг жамоатчи талаба» каби кўрик-танловлар ташкил этилиб, голиблар муносиб тақдирланапти. Саъй-ҳаракатларимиз бесамар кел- маяпти. Талабаларимиз вилоят ва рес-

публика миқёсидаги турли кўрик-тан- ловларда муваффақиятли қатнашиб келишмоқда. Масалан, Хуршида Ва- лиева биринчи курсдаёқ Мукаррама Турғунбоева таваллуғига бағишлан- ган республика ёш раққаслар тан- ловида учинчи даражали диглом бил- лан тақдирланди. Иқтидорли талаба- миз шундан сўнг ҳам ўз устида ти- ланмис изланди. Натияжада 2005 йили Қарши шаҳрида ўтказилган ёш санъаткорларнинг биринчи республика танлови голиби бўлди. «Келажак овози» республика ёшлар мега танлови- да ҳам иқтидорини намоён этиб, «му- сика санъати» номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Утган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «LG» компаниясининг «Kagaoke» кўрик-танловида Мухлиса Исомова биринчи, Александр Тюменова ик- кинчи ўринни эгаллади. Анъанавий эстрада ижрочиларининг «Янги ном- лар» вилоят кўрик-танловида Отабек Муминов биринчи даражали диглом билан тақдирланди. 2005 йилда Ўзе- бкистон маданияти ва санъати фору- ми ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳам- корлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика ёшлар мега тан- ловида Фаёза Валиева, Жаҳонгир Тур- сунов, Гулназа Нурдавлатова серти- фикатга эга бўлди.

Коллежда «Дуторчи қизлар», «Қарс», «Доирачи» клублари ташкил этилган. «Конституция - бахтимиз пойдевори», «Президент асарлари билимдонни», «Сиз қонунни биласиз- ми?», «Балли қизлар», «Заковат», «Қув- ноқлар ва зуққолар», «Шунқорлар», «Аждодлар мероси» каби тадбирлар талабаларда қатта қизиқиш уйғотиб, уларнинг иқтидорини шакллантириш- да муҳим аҳамият касб этаётди.

Махмуд АЗИЗОВ,

Қарши иқтисодий коллежи директори

Ватан ва миллат саодати бугун биз тарбиялаб воёга етказётган ёш ватандошларимизнинг қўли ва маъри- фати билан бўлади. Ҳуқуқ ва маърифат ва муқтақил фикр юритиш қоби- лиятига Бевосити боғлиқ. Шу боис- дан ҳам мамлакатимизда бугун ёшлар таълим-тарбияси кечиктириб бўлма- йдиган долзарб масалага айланган: янги мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари янгида қурилиб фойдаланишга топширилди. Уларда бир неча ўн минглаб ёшларимиз таълим-тарбия олмақда, касб сирларини муқаммал ўрганмоқ- да. 1652 нафар ўғил-қиз таълим-тар- бия оладиган Қарши иқтисодий кол- лежимизда ҳам бу борада талайгина ишлар оlib бориляпти. Коллежимиз ҳориз қредити асосида Жанубий Ко- риядан келтирилган ускуналар бил- лан тўлиқ жиҳозланди. Ўз касбининг фидоилари, малакали ўқувчилар ва мураббийлар ёшларга фан ва касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Қадрлар тайёрлаш Миллий дасту- ри талабалардан келиб чиққан ҳолда коллежимизнинг педагог ва ўқувчи- лари иқтисод, фан, маданият, тех- ника соҳаларида етуқ мутахассис- кадрларни тарбиялаб бошқа коллеж- ларга ўрнак бўлиб келмоқда. Чунки, коллежимизнинг ахил жамоаси ўсиб келаётган ёш авлодга мутахассис- ларни бўйича таълим-тарбия бериш билан бир қаторда, уларни муқтақил фикр юритишга алоҳида эътибор қаратаётир.

Таълим масканимизни коллежга айлантирилиши муносабати билан таълим-тарбия жараётида янада жид- дий эътибор қаратилиб, фан уюшма- лари кафедраларга айлантирилди. Ўқувчилар томонидан қўлаб ўқув

қўлланмалари, дастурлари ва маъру- за-матлари яратилди.

Коллежимизда замонавий фан ва услубият хоналари, маънавият ва маъ- рифат маркази, ўқув ва ишлаб чиқ- ариш устаноналари, ўқув юрти тари- хини акс эттирувчи музей экспонат- лари, радиоузел фаолият кўрсатиб турганлиги ҳам яхши самара бера- япти. Бу эса ўз навбатида ўқувчилари- мизнинг дарсдан бўш вақтларини мароқли ўтказишига, касб сирлари- ни муқаммал эгаллашига хизмат қил- моқда.

Дарс жараёнида энг сўнгги ру- сундаги компьютерлардан фойдала- наётганлиги ҳам талабаларнинг билим олиш имкониятларини кен- гайтирмоқда.

Талабаларга ўз касбининг фидо- иллари бўлган ўқувчилар Назира Эркаева, Муқаддас Каримова, Хабиба Муродова, Махбуба Абдураимова, Сайфулла Олимбоевалар ва бошқалар дарс бераётганлиги ҳам таълим-тар- бия самарадорлигини оширмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан умум- таълим фанлари олимпиадасида ўқув- чиларимиз география, физика, иқти- содий билим асослари, рус тили, дав- лат ва ҳуқуқ назарияси фанларидан голиб чиқиб, Республика босқичида қатнашдилар. Қолаверса, 2005 йилда Тошкент вилоятида ўтказилган «Бар- камол авлод» спорт мусобақасининг Республика босқичида иқтидорли ўқувчиларимиз С.Рўзиев кураш бўйича олтин медали, Мадина Фах- риддинова сузмиш бўйича қумуш ме- далини қўлга киритди. «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг Рес- публика босқичида эса Мансур Эр- бачаев, Мусина Эргашева, Шахноза Боймирова, Шахноза Омоновалар фаол қатнашдилар.



ҚОНУНЧИЛИК ҲОҚИМИЯТИ — ДАВЛАТНИНГ ЮРАГИ, ИЖРОИЯ ҲОҚИМИЯТИ УНИНГ МИЯСИДИР. РҶССО

Шарҳловчи минбари

Европада янги геосиёсий майдон юзага келаётмир

Ҳавас қилгудек ҳамкорлик

Иброҳим НОРМАТОВ,

«Туркистон-пресс»

Тарихда Германия билан Франциянинг ўз ўрни бор. Бу давлатлар асллар мобайнида Европанинг сиёсий-ижтимоий иқлимини белгилашда асосий ҳаракатланувчи куч бўлиб келишган. Бироқ улар ўртасидаги муносабатлар ҳеч қачон бир хил бўлмаган. Баъзан ўзаро низолар келиб чиққан, баъзида эса яхши қўшнчилик алоқалари ўрнатилиб, ўзаро му-

муносабатларни йўлга қўйишнинг юксак на- мунасини кўрсатдилар.

Германия — Франция муносабатлари кейинги йилларда ҳар жиҳатдан ҳавас қилгудек даражага кўтарилди. Президент Жак Ширак билан собиқ канцлер Герхард Шрёдер ўрта- сидаги ҳар бир учрашув ва дўстона мулоқот икки давлат, икки халқнинг янада яқинлашу- вига хизмат қилди. Ширак билан Шрёдер- нинг ўзаро илтифоти, самимияти, ога-инидек аҳиллиги, дунё сийёсатининг долзарб муам- моларига ёндо- шишда чуқур мулоҳаза ва до- нолик билан йўл тутишлари ҳар қандай киши- нинг, аввало, сийёсатчилар ҳамда кузатув- чиларнинг ҳава- сини келтирди. Айниқса, Елисей шартномасининг 40 йиллиги муносабати билан Париж ва Берлинда ўтказилган тантанан- а раёналик телеэкран орқали кузатим ва Жак Ширак билан Герхард Шрёдер ташаббуси билан Европада янги геосиёсий майдон юзага келаётмир, деган ҳулосага келдим. Бу майдон келгусида шундай куч-қудратга эга бўладики, натижада Европа ҳеч қимга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз сийёсатини ўзи белгилайди. Унинг жаҳон ҳамжаҳмиётда тулган ўрни ва аҳамия- ти яна ҳам ошади.

Маъмулий, Франция БМТ Ҳавфсизлик Кен- гашининг доимий аъзоси сифатида самарали ва эътиборли фаолият кўрсатапти. Германия ҳам ўзининг оқилона ва одилона сийёсати билан шундай юксак шарафга муносиб. Умуман, Франция билан Германия ўртасидаги муносабатларнинг ўрганадиган, ибрат олади- ган, ҳулоса чиқарадиган ва ҳавас қиладиган жиҳатлари кўп. Назаримда, ҳозир ҳам Жак Ширак билан Ангела Меркель ўртасидаги муносабатлар Шрёдер давридаги даражада давом этмоқда. Турли даражадаги учрашу- вларда президент Ширак билан канцлер Мер- кель ўртасидаги самимият яққол кўзга ташла- ниб турибди.



ЖАК ШИРАК БИЛАН ГЕРХАРД ШРЁДЕР

Хориж хабарлари

Бош котиб ким бўлади?

Икром МУСАЕВ

БМТ Ҳавфсизлик кенгаши келгуси ойдан ташкилотга аъзо давлатлар то- монидан Бош котибликка тавсия этила- ётган номзодлар рўйхатини кўриб чи- қишга киришади. Чунки амалдаги Бош котиб Кофи Аннанинг ваколат мудда- ти 2006 йил охирида ниҳоясига етади. Ҳавфсизлик кенгаши раиси Эллен Мар- грет Лои бу ҳақда маълум қилган.



БОШ КОТИБ КИМ БЎЛАДИ?

БМТ Низомига биноан бош котибни Ҳавфсизлик кенгаши тавсияси билан Бош ассамблея тайинлайди. Кўп йиллик таърибадан маълумки, баъзан номзод кўрсатишда Ҳавфсизлик кенгаши аъзоларининг фикри бир жойдан чиқмайди. Бундай ҳолларда кенгашда норасмий сайлов ўтказилади.

ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, айни чоғда уч ном- зоднинг номи маълум. Булар — Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Бан Ки Мун, Таиланд бош вазири Уринбосари Суракият Сатиратий ва бир вақтлар БМТ Бош котибининг қуролсизланиш масалалари бўйича уринбосари лаво- зимда ишлаган шри-ланкалик Жаёнта Дханалапа. Айрим оммавий ахборот воситаларида амалдаги Бош котибнинг жамоатчилик ахбороти масалалари бўйича уринбосари Шаша Тарура ҳамда Иорданиянинг БМТдаги доимий вақили шахзода Зайд ал-Ҳусайнинг номи ҳам қайд қилинмоқда.

Ядровий дастур муҳокамада

Наргиза БЕКБЕРТЕНОВА,

УзДЖУТ талабаси

Европа Иттифоқининг ташқи сиё- сат ва ҳавфсизлик масалалари бўйи- ча олий вакили Хавьер Солана Теҳ- ронда Эроннинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммо юзасидан ҳуку- мат раҳбарлари билан музокара ўтказди. Эрон расмий вакиллари уч- рашувида Фарб давлатлари ил- гари сурган тақдирларни атрафиҳада ўрганиб чиқишга ваъда беришди.

Эрон миллий ҳавфсизлик кен- гаш котиб Али Ларижоний расмий Теҳрон ядровий муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида дунё ҳамжаҳмиёт билан музокарани ян- гидан бошлашга тайёр эканини ай- тди. Европа Иттифоқи билдирган тақ- дирлар кўриб чиқилганидан сўнг музокаралар давом этирляпти. А.Ла- рижонийнинг айтишича, Х.Солана билан учрашуви самарали бўлган. Бу

эса келгуси музокара яхши ўтишига умид уйғотди.

БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг беш доимий аъзоси ҳамда Германия то- монидан ишлаб чиқилиб, Эронга тақ- дим этилаётган иқтисодий рағбат- лантириш дойиҳаси, айрим ноэник- ликларни ҳисобга олмаганда, рас- мий Теҳрон учун фойдали тақдир- ларни ўз ичига олган. Аммо бунинг учун Эрон ўзининг ядровий дасту- ридан воз кечиши керак.

Х.Солана ЕИ расмий Теҳрон би- лан алоқаларни давом этириш ния- тида эканини маълум қилар экан, Эрон жаҳон ҳамжаҳмиётнинг тақдир- ларига ижобий жавоб қайтаришига умид билдирди.

Музокара иштирокчилари Эрон расмий жавобини эълон қилгунга қадар иқтисодий рағбатлантириш лойиҳасининг мазмун-моҳиятини сир тутишга келишиб олган.

Буш музокарага рози

Наргиза БЕКТЕМИРОВА

АҚШ Президенти Ж.Буш Эрон урнини бойитиш бўйича олиб бораётган фаолиятини тўхтатса, ушбу мамлакат билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Бу ҳақда БМТ Ҳавфсизлик кенгаши бешлиги томонидан ижобий баҳола- ни. Хусусан, Хитой раҳбари Ху Цзиньтао АҚШнинг Эрон муаммосини дипломатик йўл билан ҳал қилиш томон қилган ушбу ҳаракатини тула қўлаб-қувватлашини айтди.

Кучлар тенг келди

Чехияда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижасида ўнгалр ва сўллар бир хил натижага эришди. Эндиликда улар парламентнинг қуйи палатасида юзтадан ўринга эга бўлади.

Сийёсатшуносларнинг қайд этиш- ларича, мамлакат тарихида бу каби ҳолат илк бор бўлиши — мавжуд кучларнинг ҳеч бири ҳукуматни таш- қил этиш учун етарлича овоз тўпла- олмади. Коалициялар раҳбарларига узоқ ва ниҳоятда мураккаб музока- ралар олиб боришлари кўзда тутил- моқда, деб хабар беради НТВ теле- компанияси.

Элчихона ходимлари гаровда

Малоҳат РАҲМОНОВА

Ироқда жангариларнинг диплома- тик корпус вакиллари гаровга оли- ши давом этилмоқда. Бағдод шаҳри- нинг Ал-Мансур туманида бир гуруҳ қуролланган шахслар Россиянинг Ироқдаги элчихона ходимларини гаровга олди.

Маълум бўлишича, жангарилар рос- сиялик дипломатлар кетаётган авто- мобиль йўлини тўсган ва ўққа тутган. Элчихона ходимларидан бири воқеа жойида ҳалок бўлди, тўрт нафари эса жангарилар томонидан олиб кети- лган. Айни пайтда Россия ҳукумати гаровдагиларни озод қилиш учун барча чораларни кўраётди.

Воқеа жаҳон ҳамжаҳмиёти томонидан қаттиқ қораланди. Қўлаб мамлакат- лар, қатор халқаро ташкилотлар гаровга олинганлар зудлик билан озод этилишини талаб қилмоқда. БМТ Бош котиб Кофи Аннан Ироқ ҳукумати ва бу мамлакатдаги халқаро кучларга муурожаат қилиб, бундай қўнғилсизлик- ларга чек қўйилишини таъминлашга қачирди.

Сўраган эдингиз

Корхона банкрот деб топилса...

Корхона ёки ташкилот, тадбиркорлик субъекти қандай ҳолларда банкрот деб топилди? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Ҳамдам НАРЗИЕВ,

ЎЗМУ магистранти

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар- нинг банкротлиги соҳасидаги муносабатлари «Банк- ротлик туғрисида» ги қонун билан тартибга солинади. Тулов қобилиятини йўқотган тадбиркорлик субъектларининг банкротлик аломатлари тулаш бундан белгилаб берилган. Унга қўра агар жисмоний шахслар пул маб- лағлари бўйича кредиторларнинг талабларини қонди- риш ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбурий- ларни бажара олмаслиги аниқланса, шунингдек белги- ланган кундан эътиборан 3 ой давомида қарздор то- монидан тегишли мажбурийлар бажарилмаган бўлса, яқка тартибдаги тадбиркор банкрот деб топилди.

Кредитор томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақида ҳужжалик судига ариза билан муурожаат қилин- ганда қонунчиликда белгиланган тартибда далиллар тақдим қилиниши шарт. Бундай далиллар қарздорнинг ўз мажбурийларини бажармаганини ҳамда 3 ой да- вомида тўланмаган қарздор қарздор томонидан тан олин- ганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлардир. «Банк- ротлик туғрисида» ги қонуннинг 59-моддасига муво- фиқ иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга

Мавлон ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳри

қадар барча талабларнинг бажарилганлиги қарздорни банкрот деб топишни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ноҳор корхоналарни туғатиш жараёнини тезлаштириш, вақтинча иқтисодий қийинчиликка дуч кел- ган, бироқ молиявий-ҳужжалик фаолиятини соғломлаш- тириш учун ҳақуқий имкониятга эга бўлган корхоналар- ни қўлаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республи- каси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмининг такомиллаштириш туғрисида» ги Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармонга асосан ташқи бошқарувчилар ва ту- гатувчи бошқарувчиларга қарздор корхоналар ёки уларнинг мулкни сотишда кредиторлар йигилиши (қўмитаси) розилиги асосида (хари- дорга хизмат кўрсатадиган тижорат банки те- шиши қаролатни тақдим қилган тақдирда) кор- хона ёки мулкни бир йилдан ортқ бўлмаган муддатга ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти бил- лан сотиш, шунингдек хомашё ва тайёр маҳсу- лотнинг қолган қисмини қимматсиз савдоси ўтказ- масдан, олди-сотди шартномаси бўйича сотиш- га рухсат берилди.

ТАФЛАККУР

ФИФА мундиал иштирокчиларини мукофотлаш учун 300 миллион Швейцария франки ажратган

Футбол. Ишқибоз. Хаяжон


Бугун Германияда футбол бўйича XVIII жаҳон чемпионати баҳслари бошланади

Эркин ХОЛБОВО

Хар тўрт йилда бир маротаба уюштириладиган ушбу катта футбол байрами шу кунгача ўн етти бор ташкил этилган бўлиб, унга турли йилларда Уругвай (1930 йил), Италия (1934, 1990), Франция (1938, 1998), Бразилия (1950), Швейцария (1954), Швеция (1958), Чили (1962), Англия (1966), Мексика (1970, 1986), Германия (1974), Аргентина (1978), Испания (1982), АҚШ (1994), Жанубий Корея ва Япония (2002) давлатлари мезбонлик қилган эди. Нуфузли мусобақада олтиш тўққиз мамлакат терма жамоалари катнашиш бахтига мушарраф бўлган. Улардан фақат Бразилия (1958, 1962, 1970, 1994, 2002 й.), Германия (1954, 1974, 1990 й.), Италия (1934, 1938, 1982 й.), Аргентина (1978, 1986 й.), Уругвай (1930, 1950 й.), Англия (1966 йил), Франция (1998 йил) футболчиларига шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган олишган.

XVIII жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида катнашиш учун ФИФАга 197 мамлакатдан ариза тушган. Саралаш босқини УЕФА, ОФК, КОНКАКАФ, КОНМЕБОЛ минтақалари бўйича 31 та йўлланма соҳибларини аниқлаб берди. Тартиб бўйича жами 850 та саралаш ўйини уюштирилиши лозим эди. Бироқ, Узбекистон - Бахраин терма жамоалари учрашувида япониялик ҳакам Тошмицу Иошиданинг йўл кўйган кўпол хатоси туфайли учрашувлар биттага қўлайди. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, бу галли мундиалда энг кўп дебютант катнашмоқда. Булар Украина, Ангола, Гана, Того, Сербия ва Черногория, Кот д'Ивуар ҳамда Тринидад ва Тобаго терма жамоаларидир.

Германияда жаҳон чемпионати пухта ҳозирлик кўрилди. 9 июндан 9 июлгача давом этилган баҳслар 8 гуруҳда, мамлакатнинг Берлин («Олимпиаштадион»), Гамбург («АОЛ-Арена»), Лейпциг («Центральштадион»), Нюрнберг («Франкенштадион»), Мюнхен («Альянц-Арена»), Ганновер («АВД-Арена»), Дортмунд («Сигнал Идуна Парк»), Франкфурт («Коммерцбанк-Арена»), Гельзенкирхен («Арена Ауфшальке»), Кёльн («Райзенриг»), Кайзерслаутерн («Фриц Вальтер Штадион») ва Штутгарт («Готтлиб Дауишлер Штадион») шаҳарларидаги стадионларда ўтказилади. Айтиш керакки, жаҳон чемпионатини юксак савияда уюштириш учун ўйингоҳларини замон талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтириш йўлида астойдил ҳаракат қилинди. Жумладан, Мюнхенда янги стадион қуриб битказилди. Бунинг учун 280 миллион евро сарфланди. Мундиалнинг финал учрашуви ўтадиган Берлиндаги «Олимпиаштадион» ўйингоҳи тўлиқ таъмирланди.



Жаҳон чемпионати учрашувларига 2 миллион 930 минг дона чипта сотиш кўзда тутилган эди. ФИФанинг ташкилий кўмитаси бу чипталарнинг 12 фоизини фахрий меҳмонлар учун ажратди. Бундан ташқари, ФИФанинг тижорат пакети ҳам бор. Бундай чипталар VIP лажалар учун чиқарилган бўлиб, нархи 1900 евродан 500 минг еврогача! Шунингдек, умумий чипталарнинг 13 фоизи мезбонларга, 19 фоизи ФИФанинг расмий ҳамкорлари ва ҳимматлари тарқатилган. Жаҳон чемпионатидаги чипта олмаган федерациялар ўртасида чипталарнинг 7 фоизи тақсимланди. Мундиалда катнашадиган мамлакатлар ўзларининг ҳар бир учрашувига чиқарилган чипталарнинг 8 фоизини қўлга киритди. Масалан, Испания - Украина учрашувида украинликлар учун 2 минг 967 та чипта ажратилди.

Жаҳон биринчилиги турнир мезбонларига 10 миллион евро миқдорда фойда олиш имконини беради. Молиячиларнинг ҳом-қўлига кўра, мундиал бўлиб ўтадиган пайтда кундалик истеъмоллар учун сарфланадиган харажат 3 миллиард еврогача кўтарилиши мумкин. Катта футбол байрами, ўз навбатида, мамлакатда янги иш ўринларини бир неча баробар кўпайтиришга замин яратди.

ФИФА мундиал иштирокчиларини мукофотлаш учун 300 миллион Швейцария франки ажратган. Чемпионликни қўлга киритган терма жамоа 24,5 миллион Швейцария франки (18,75 миллион доллар) билан мукофотланади. Нимчорак иштирокчилари 6,5, чорак финалнинг тўрт омадсиз жамоаси 11,5 миллиондан Швейцария франкига эга бўлади. Ярим финалчиларнинг ҳар бири 16,45 миллион Швейцария франки билан тақдирланади. Финал баҳсида муваффақиятсизликка учраган жамоа эса 2,25 миллион Швейцария франкини қўлга киритади. Бу галли жаҳон чемпионатида ҳамма учун бериладиган мошлар миқдори ҳам икки бараварга оширилди. Ёдингизда бўлса, Жанубий Корея ва Японияда ўтган мундиалда ҳар бир ҳакам битта



Ўйинлар жадвали

«А» гуруҳи		«В» гуруҳи	
GERMANYA, KOSTA-RIKA, POLSHA, EKVADOR 9 июнь. 21:00 Германия — Коста-Рика 24:00 Польша — Эквадор 14 июнь. 24:00 Германия — Польша 15 июнь. 18:00 Эквадор — Коста-Рика 20 июнь. 19:00 Эквадор — Германия 19:00 Коста-Рика — Польша		АНГЛИЯ, ПАРАГВАЙ, ТРИНИДАД ВА ТОБАГО, ШВЕЦИЯ 10 июнь. 18:00 Англия — Парагвай 21:00 Трин. ва Тобаго — Швеция 15 июнь. 21:00 Англия — Трин. ва Тобаго 24:00 Швеция — Парагвай 20 июнь. 24:00 Швеция — Англия 24:00 Парагвай — Трин. ва Тобаго	
«С» гуруҳи		«Д» гуруҳи	
АРГЕНТИНА, КОТ-ДИВУАР, СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ, ГОЛЛАНДИЯ 10 июнь. 24:00 Аргентина — Кот-д'Ивуар, 11 июнь. 18:00 Сербия ва Черн. — Голландия 16 июнь. 18:00 Аргентина — Сербия ва Черн. 21:00 Голландия — Кот-д'Ивуар 21 июнь. 24:00 Голландия — Аргентина 24:00 Кот-д'Ивуар — Сербия ва Черн.		МЕКСИКА, ЭРОН, АНГОЛА, ПОРТУГАЛИЯ 11 июнь. 21:00 Мексика — Эрон 24:00 Ангола — Португалия 16 июнь. 24:00 Мексика — Ангола 17 июнь. 18:00 Португалия — Эрон 21 июнь. 19:00 Португалия — Мексика 19:00 Эрон — Ангола	
«Е» гуруҳи		«Ф» гуруҳи	
ИТАЛИЯ, ГАНА, АҚШ, ЧЕХИЯ 12 июнь. 21:00 АҚШ — Чехия 24:00 Италия — Гана 17 июнь. 21:00 Чехия — Гана 24:00 Италия — АҚШ 22 июнь. 19:00 Чехия — Италия 19:00 Гана — АҚШ		БРАЗИЛИЯ, АВСТРАЛИЯ, ЯПОНИЯ, ХОРВАТИЯ 12 июнь. 18:00 Австралия — Япония 13 июнь. 24:00 Бразилия — Хорватия 18 июнь. 18:00 Япония — Хорватия 21:00 Бразилия — Австралия 22 июнь. 24:00 Япония — Бразилия 24:00 Хорватия — Австралия	
«Г» гуруҳи		«Н» гуруҳи	
ФРАНЦИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, ЖАНУБИЙ Корея, ТОГО 13 июнь. 21:00 Франция — Швейцария 18:00 Жанубий Корея — Того 18 июнь. 24:00 Франция — Жанубий Корея 19 июнь. 18:00 Того — Швейцария 23 июнь. 24:00 Того — Франция 24:00 Швейцария — Жанубий Корея		ИСПАНИЯ, УКРАИНА, ТУНИС, САУДИЯ АРАБИСТОНИ 14 июнь. 18:00 Испания — Украина 21:00 Тунис — С.Арабистон 19 июнь. 21:00 С.Арабистон — Украина 24:00 Испания — Тунис 23 июнь. 19:00 С.Арабистон — Испания 19:00 Украина — Тунис	
1/8 ФИНАЛ		1/4 ФИНАЛ	
№1 24 июнь. 20:00 «А» 1-ўрин — «В» 2-ўрин №2 24:00 «С» 1-ўрин — «Д» 2-ўрин №3 25 июнь. 20:00 «В» 1-ўрин — «А» 2-ўрин №4 24:00 «Д» 1-ўрин — «С» 2-ўрин №5 26 июнь. 20:00 «Е» 1-ўрин — «Г» 2-ўрин №6 24:00 «Г» 1-ўрин — «Н» 2-ўрин №7 27 июнь. 20:00 «Ф» 1-ўрин — «Е» 2-ўрин №8 24:00 «Н» 1-ўрин — «Б» 2-ўрин		А 30 июнь. 20:00 №1 голиби — №2 голиби В 24:00 №5 голиби — №6 голиби С 1 июль. 20:00 №3 голиби — №4 голиби D 24:00 №7 голиби — №8 голиби	
3-ЎРИН УЧУН		ФИНАЛ	
8 июль. 24:00		9 июль. 23:00	

Ўйинлар Тошкент вақти билан кўрсатилган

2004 йилда хакерлар 44 миллиард доллар "ишлашган"

Хакерлар хавфи

Нўмон ҚАРДОШ

Компьютерларнинг пайдо бўлиши илмий-техника тараққиётининг энг улкан ютуқларидан биридир. XXI аср одами ўз ҳаётини компьютер ёки интернет тармоғисиз тасаввур қилолмастлиги кундек равшан. Маълумотларда келтирилишича, дунё бўйича интернетдан фойдаланувчилар сони 604 миллион 111 минг 719 нафар кишини ташкил этаркан.


Айрим олимларнинг фикрига қараганда, сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамияти индустриал ривожланишдан информацион ривожланишга ўтиш жараёнида Интернет маълумотларига кўра, сўнгги йилларда «WorldWideWeb» инсониятнинг мавжуд барча фаолият соҳалари орасида жиноятчиликнинг энг фаол муҳитига айланиб қолди. Ана шу компьютер тармоғидан фойдаланувчилар орасида, афсуски, ҳуқуқбузарлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Уларни «хакерлар» деб аташади. Бу атама, одатда, ахборот тармоқларидан руҳсатсиз фойдаланувчилар учун қўлланади. Замонавий лугатларда хакер (инглизча to hack - муваффақиятли бошқармоқ) ўта мохир ҳамда гоят қизиқувчан программачи, компьютердан қурол сифатида фойдаланувчи жиноятчидир. Айримлар уларни «компьютер қароқчилари», «фирибгарлар», «электрон босқинчилар», «электрон жосуслар» ёки «электрон ўрилар» деб ҳам атайдилар.

Хакерларнинг пайдо бўлиши тарихига назар ташласак, уларнинг биринчи авлод вакиллари ўтган асрнинг 60-йиллари мохир программачи сифатида тилга олинган бўлса, кейинчилари компьютер эволюционистлари, муаллифлик ҳуқуқини бузувчилар, 1990 йиллардан бошлаб шу кунгача хакерлар, яъни компьютер тизими ва тармоғида таққиланган ижтимоий хавфли қўлимшларни содир этувчилар деб аталаб келинади. IBM лабораториясининг глобал хавфсизлик бўйича таҳлилий натижаларига кўра, дунёда жами 100000 дан ортиқ хакер бор экан. Уларнинг сони кун сайин охиб бормоқда. Хакерларнинг 90 фоизи 1-гуруҳга киради (қароқчилар), 9 фоизини 2-гуруҳ вакиллари (броузерлар) ташкил этади ва нихоят 1 фоизи энг хавфли ҳисобланган 3-гуруҳ вакиллари (крэкерлар)дир.

Хакерлар турли мактаб ва турли ёшдаги шахслар бўлиши мумкин. Уларнинг 33 фоизини 20 ёшгача бўлган, 13 фоизини 40 ёшдан ошганлар ва 54 фоизини 20-40 ёшдаги шахслар ташкил этади. Дунёдаги

1-ракамли хакер америкалик Кевин Митник ҳисобланади. У компьютер оламида Билл Гейтседан кейинги энг машҳур шахс сифатида тан олинган. Кевин Митникнинг номи ҳатто Гиннесснинг рекордлар китобига ҳам киритилган. Компьютер тизимидан фойдаланиб, содир этган фирибгарликлари учун унга 23 та айб эълон қилинган. Агар бу айблари бўйича жазоланадиган бўлса, у жами 460 йилга озодликдан маҳрум этиларди. АҚШ прокуратурасининг маълумотида, Кевин Митник жами 80 миллион доллар миқдорда зарар етказган.

Сўнгги пайтларда хакерлар турли гуруҳларнинг сиёсий мақсадларига ҳам хизмат қилишмоқда. Айниқса, 2000 йилда хакерлик ҳужумларининг янги «хизматдан бўйин товлаш» (distributive denial-of-



service ёки DDoS-ҳужумлар) тури кенг ёйилди. Ушбу ҳужумлар натижасида eBay, Yahoo!, CNN.com, Amazon ҳамда бошқа шу каби машҳур сайтлар катта миқдорда зарар кўрган. Айрим хакерлар эса Microsoft савдо тармоғидан Windows ва Microsoft Office пакетларининг кодларини ўғирлаб, уларни ноқонуний тарқатиш билан шуғулланмоқда.

Банклар ҳамда машҳур корпорацияларнинг веб-сайтлари хакерлар ҳужумининг доимий объекти ҳисобланади. Хакерлар веб-сайтларини бир неча соатга ёки бир неча кунга ишдан чиқарадилар, шу вақт давомида эса компания миллионлаб маблағини йўқотади. Биргина 2004 йилнинг ўзида DDoS-ҳужумлари келтирган зарар 1 миллиарддан 34 миллиард долларга ўсди.

Фойдаланувчиларнинг алданиб, ўз банк карточкалари рақами ҳамда паролларини ошқор қилиб қўйишлари оқибатида 2004 йилнинг ўзида 44 миллиард АҚШ доллари миқдорига сумма хакерлар чўнтағига тушган. 2004 йилда Россия банклари пластик карточкалар доирасида содир этилган фирибгарликлардан 20 миллион АҚШ доллари миқдорига зарар кўрган.

Психолог маслаҳати


Ўз қасбидан «совиб қолиш»нинг сабаби қасбга йўналтиришдаги хатоликдир

Касбингизни сеvasизми?

Феруза АКРАМОВА, психология фанлари номзоди, доцент

Шахс шаклланишида унинг қобилияти муҳим ўрин тутаети. Киши ўз маҳоратини кўрсата олиши, жамият томонидан тан олинishi учун биринчидан, тугма лақаёт ва ўз устиди ишлаш қобилияти, иккинчидан, ана шу лақаётни намоен қилиш учун мақбул шарт-шароит зарур. Шу билан бирга шахсдаги табиий иқтидор тўла ва муқаммал намоен бўлиши учун унинг ўзи иқтидори ва лақаёти, йўналишини ёшлигидан аниқлаб олиши ва тарбиялаб бориши талаб этилади. У ёки бу машғулота қизиқшини аниқлаш орқали ривожлантирилиши лозим бўлган малака ва қўникмаларни аниқлаб олиш мумкин. Чунки профессионал маҳорат фақат билим, юксак малака ва тинимсиз муҳтасаб ҳисобига ривожланишини унутмаслик керак.

Кўпгина корхоналарда меҳнат қилаётган одамларнинг ўз қасбидан «совиб қолиши» ёки ўша ердига кадрлар кўнимсизлигининг энг асосий сабабларидан бири қасбга йўналтиришда йўл қўйилган хатоликлардир. Чунки ўсмирлик даврида бошлаб бола кўп нарсаларга қизиқадилар. Бунда оила муҳити, ўзи яшаётган ҳудуд учун салмоқлиқ қасб-корларнинг таъсири қучли бўлади. Лекин айрим ҳолларда бола ўзидаги асл, яширин лақаётни ажрата олмастлиги, шерикларига қизиқиб ёки ота-онасининг авторитети таъсирида ўзи яхши тасаввур қила олмаган қасбга «меҳр қўйиши» мумкин. Оқибатда у вақт ва маблаг сарфлаб, ё шогирдликка ёлланади ёки бирор ўқув даргоҳига ўқишга қиради. Бироқ ўқилиши битиргач, ўз мутахассислиги бўйича профессионал мавқега эга бўла олмайдилар. Шу сабабли ҳам шахсни ўз



вақтида қасбга тўғри йўналтириш жуда муҳимдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамият доимо ўз қасбининг устасига эҳтиёж сезади ва айнан шундай инсонлар ҳар томонлама рағбатлантирилади. Малака ва қўникмалари талабга жавоб берадиганлар, афсуски, ишсизлар сафини тўлдириб боради ёки тасодифий ишлар билан шуғулланаверади. Демак, профессионал маҳорат ва уни ривожлантириш масаласи бевосита шахсининг муттасил ўз устиди ишлаши, барча имкониятларини ишлаб чиқариш тақомиллашуви билан боғлиқ олиш қобилиятига боғлиқ.

Профессионал маҳоратнинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари тўғрисида гап кетадиган бўлса, бунда инсоннинг шахсий фазилатлари орасида энг асосийларини келтириш мумкин:

1. Қатъият ва шижоат — одамнинг ўз максаллари йўлида ярим йўлда қолиб кетмай, ишонч билан ҳаракат қилишининг иродавий замини;
2. Фикрлашдаги журъат — ҳамкорларига нисбатан ўзгача фикрлашдан чўчимаслик, ўз фикрининг афзаллигини исботлаш, уни амалиётга тадбиқ этишдан қўрқмаслик сифати;
3. Жасорат — кўпчилик эътиқоди-

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгазининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Таҳрир ҳайъати
 Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
 Иқбол МИРЗО,
 Турсунали ҚЎЗИЕВ,
 Турғунпўлат ДАМИНОВ,
 Равшан ҲАЙДАРОВ,
 Мамазоир ХУҲАМБЕРДИЕВ,
 Исмоил САИФНАЗАРОВ,
 Собир ТУРСУНОВ,
 Шермат ШАМСИЕВ,
 Светлана ОРТИҚОВА,
 Мукаррамхон АЗИМОВА,
 Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
 Камол АЛЛАЁРОВ
 (Бош муҳаррир ўринбосари),
 Тальят МУРАТОВ

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: Кабулхона — 133-40-86 136-53-14

Факс — 133-41-89

Котибият — 136-55-96

Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89

Хатлар бўлими — 136-55-64

Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39

Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39

Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр Тошназаров
 Навбатчи — Музаффар Абдушуқуров
 Саҳифаловчи — Латиф Турсунов

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
 t — Мазкур белги остида тижорат мақоалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
 Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буортма Г — 700
 Ҳажми — 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган
 Қўғоз бичими А-2
 Адади — 2617

Нашр индекси — 100
 Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20:00
 Босишга топширилди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгаши жамоаси «Адолат» СДП Янгиўйил шаҳар кенгаши биринчи котиби Аваз Қосимовга акаси Алхам ҚОСИМОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.